



19.01.2024

Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Наманган вилоятида жойлашган Қамчиқ Автойўл мансабдорларини ноқонуний ҳаракатлари” – мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

“Қамчиқ Автойўл” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан жорий йилнинг 5 январь куни озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича давлат харидлари электрон тизимида эълон қилинган **1 339,2 млн сўмлик** танлаш савдосида **3 та** иштирокчилар ўз таклифлари билан иштирок этган. Харид комиссиясининг қарорига кўра **“Yangiqo'rg'on Tuyaqushlari” МЧЖ 1 295,6 млн сўм** таклиф билан ғолиб бўлган. Бироқ танлаш натижаси бўйича шартнома тўғрисидаги маълумотлар махсус ахборот портали жойлаштирилмаган.

Харид комиссиясининг 2024 йил 22 январдаги 1-сон баённомасига асосан **танлаш натижасини бекор қилиш** тўғрисида қарор қабул қилинган.



19.01.2024

[Ижтимоий тармоқларда](#) жойлаштирилган “Бўтақора мурувват уйи мансабдорларини ноқонуний ҳаракатлари” – мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Амалга оширилган ишлар ахбороти. Бўтақора “Мурувват” уйи томонидан жорий йилнинг 12 январь куни иссиқ овқат билан таъминлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича **819,4 млн сўм** бошланғич қиймат билан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган.

Ушбу танлаш савдосида иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишнинг охири санаси этиб 19 январь ҳамда таклифларни баҳолаш усули сифатида **“балл усули”** белгиланган.

Мазкур танлашда 4 нафар иштирокчи, “Quvonchli Diyor Zamini” МЧЖ (784,8 млн сўм), “Next Finans Savdo” МЧЖ (703,2 млн сўм), “Imkon New House” МЧЖ (722 млн сўм) ва “Provide With Food” МЧЖ (637,3 млн сўм) иштирок этган.

Танлаш натижасига кўра харид комиссия томонидан энг паст нарх таклиф қилган иштирокчи **“Provide With Food” МЧЖ 637,3 млн сўм** нарх таклифи билан ғолиб ва **“Quvonchli Diyor Zamini” МЧЖ 784,8 млн сўм** нарх таклифи билан захира ғолиб деб белгиланган.

Маълумот учун. “Мурувват” уйи ва “Provide With Food” МЧЖ ўртасида 2024 йил 24 январдаги 1-сонли тузилган шартнома ғазначилиқдан рўйхатдан ўтказилган.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Ўзбекистон давлат банклари давлат харидларида қонун бузаяптими?” – мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан Сурхондарё вилояти Жарқўрғон филиали биносини мукаммал таъмирлаш ишлари учун давлат харидлари электрон тизимига **1 841,7 млн сўм** бошланғич қиймат билан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш мақсадида 2023 йилнинг 13 ноябрь куни эълон жойлаштирилган.

Харид комиссиясининг баёнига кўра 1 834,5 млн сўм нарх таклифи билан иштирок этган “**Brend-Quruvchi**” ХК ғолиб ва 1 840,1 млн сўм нарх таклифи билан иштирок этган “**Makon-Biznes-Angor**” МЧЖ заҳира ғолиб деб белгиланган.

Танлаш якунига кўра “Микрокредитбанк” АТБ Жарқўрғон филиали ва “**Brend-Quruvchi**” ХК ўртасида 2023-йил 23-ноябрда **1 798,4 млн сўмлик** 22-сонли шартнома имзоланган.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 23-моддасида иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгилаб қўйилган.

АТБ “Агробанк” томонидан эълон қилинган энг яхши таклифларни танлаш натижалари юзасидан:

АТБ “Агробанк” томонидан видеоролик тайёрлаш хизмати учун давлат харидлари электрон тизимига **1 620,0 млн сўм** бошланғич қиймат билан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш мақсадида 2023 йилнинг 27 октябрь куни эълон жойлаштирилган.

Харид комиссиясининг баёнига кўра “**Vertigo Production Group**” МЧЖ **1 260,0 млн сўм** нарх таклифи билан ғолиб бўлган ҳамда АТБ “Агробанк” ва “**Vertigo Production Group**” МЧЖ ўртасида 2023 йил 15 ноябрда 233-сон шартнома имзоланган.

Харид комиссиясининг 2024 йил 4 январдаги баённомасига асосан танлаш савдоларида иштирок этган “**Vertigo Production Group**” МЧЖ ҳамда ЯТТ “**Sadikov Zoxid Taxirovich**” ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжуд деб ҳисобланиб, тузилган шартнома бекор қилинган.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Қува тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига мебел ва бошқа жиҳозларни тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали ҳақиқий баҳосидан 532,8 млн сўмга қиммат нархларда етказиб берилган” ” мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Қува туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ва “Қува Ногиронлар Жамияти Мебеллари” МЧЖ ўртасида мебель ва бошқа жиҳозларни харид қилиш учун 2023 йилда жами 1 598 051 200 сўмлик 4 та шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон қарорига асосан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон қарорининг 4-бандига кўра, **давлат буюртмачиларига** электрон кооперация биржаси порталида рўйхатдан ўтган, ишловчи ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, **ягона иштирокчиси** ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган **юримдик шахслар** билан улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилган.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Сирдарё ҳокими ўткан йилги фестивал учун яна пул ажратди” мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Халқаро фестиваллар дирекцияси “Maxsem Fireworks” МChJ билан 2023 йил 3 майда пиротехника буюмлари харид қилиш учун 250,0 млн сўмлик 4-сонли ҳамда ЯТТ “Нигматов Рахматилла Сағдуллаевич” билан 2023 йил 4 майда сахна безаги гуллари учун 326,0 млн сўмлик 7-сонли шартномаларни тузган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 17 апрелдаги
“III Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни юқори бадий савияда ўтказиш тўғрисида” 67-сон баёни тасдиқланган.

Сирдарё вилоят ҳокимлигининг 2024 йил 1 март 65-9-0-F/24-сон фармойиши билан
III Халқаро бахшичилик санъати фестивали харажатларини қоплаш учун вилоят маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан 1,0 млрд сўм маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарорининг иловаси билан тасдиқланган “Давлат буюртмачилари томонидан **тўғридан-тўғри шартномалар бўйича** харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)” рўйхатининг 28-бандида **халқаро ва давлатлараро даражадаги тадбирларни ташкил этиш** ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар кўрсатиб ўтилган.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган "Media24.uz" телеграмм канали орқали эълон қилинган "Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан озиқланадиган Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бор. Бунинг тасарруфида эса Республика агрокимёвий таҳлил марказининг тендери эътиборни тортди" мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Республика Агрокимёвий таҳлил маркази томонидан 2023 йилнинг 6 декабрь куни лаборатория жиҳозлари харид қилиш бўйича давлат харидлари электрон тизимида эълон қилинган 308,0 млн сўмлик танлаш савдосида 2 та итирокчи ўз таклифлари билан иштирок этган. Харид комиссиясининг қарорига кўра **"Reliable-Logistics-Service" МЧЖ 305,0 млн сўм** нарх таклифи билан ғолиб бўлган.

Давлат харидлари электрон тизимидан олинган маълумотларга кўра, **ушбу танлаш савдоси бекор қилинган.**

*"Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига кўра, **иштирокчи ва унинг аффилиланган** шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича **айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.***



Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган “Асака туман Молия булимини назорат киладигон ташкилот борми” деган мақола юзасидан расмий муносабат

Асака туман 2-сон касб-хунар мактаби Биология фани ўқитувчиси **Абдулазизова Шахноза Абдураимовна** 2023 йил 15 ноябрь куни тўғриқ таътилига чиққанлиги муносабати билан Хомиладорлик нафақаси олиш учун тегишли хужжатлар Асака туман 2-сон касб-хунар мактаби ҳисобхонасига тақдим этган.

Касб-хунар мактабининг бош ҳисобчиси тақдим этилган хужжатларга асосан хомиладорлик нафақаси миқдори ишлаб чиқилиб, **7318184 сўм** нафақа пулини ажратиш бўйича 2023 йил 5 декабрь куни Андижон вилояти иқтисодиёт ва молия бош бошқармасига **бюортманом**а тақдим этилган.

2023 йил молия йили якунланиб қолганлиги сабабли Андижон вилояти иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси томонидан 2023 йил якуни билан тўлаб бериш имконияти йўқлиги сабабли 2024 йилда тўлаб бериш бўйича Асака тумани 2-сон касб-хунар мактаби бош ҳисобчисига билдирилган.

Андижон вилояти иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси томонидан жорий йилнинг **14 март** куни харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали **7318184 сўм** хомиладорлик нафақаси **Абдулазизова Шахноза Абдураимовнанинг пластик картасига** тўлиқ ташлаб берилган.



Пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришда фермер хўжалиklarининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари 2023 йилда истеъмол қилган электр энергияси қийматининг 50 фоизини қоплаб бериш учун субсидияларнинг тўланиши юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Қишлоқ хўжалиги соҳаларини рақамли трансформация қилиш дастурида доирасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва субсидия бериш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидия бериш” ахборот тизими (**“Агросубсидия” АТ**) ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 декабрдаги 711-сон қарорига асосан, “Агросубсидия” АТ хизматларини кенгайтириш, ушбу тизим орқали тегишли идоралар томонидан субсидияларнинг ўз вақтида ажратилиши юзасидан назорат олиб бориш, мазкур тизим бўйича ишларни мувофиқлаштиришга **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъул** этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 январдаги ПҚ-23-сон қарори билан пахта хом ашёси етиштириладиган майдонларни насос орқали суғоришда сарфланадиган электр энергияси харажатларининг 50 фоизигача қисми давлат бюджетидан қопланиши белгиланган бўлиб, пахта хом ашёси етиштиришда насосларга сарфланган меъёр даражасидаги электр энергияси харажатларини **қоплаб бериш тартибини** Вазирлар Маҳкамасига **киритиш** вазифаси назарда тутилган.

Мазкур топшириқ ижроси доирасида **Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 августда қабул қилинган 364-сон қарори** билан “Фермер хўжалиklarининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги **низом**”га тегишли **ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган** бўлиб, субсидиялар ажратиш бўйича материалларни жамлаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишишни “Агросубсидия” АТ орқали амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бироқ, 2023 йилда субсидиянинг ушбу тури бўйича керакли амалларни “Агросубсидия” ахборот тизимида бажариш имкони яратилмаганлиги



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Янги йил байрами арафасида Сенат томонидан 1 млрд сўмдан зиёд маблағ сарфланган” мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноларидан фойдаланиш ва хўжалик фаолияти бошқармаси ва “Sky Events” МЧЖ ўртасида 2023 йил 21 декабрда кейтринг (овқатлантириш) хизмати учун 1 021 104 000 сўмлик 31-сон шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира фонди маблағлари ҳисобидан имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан **“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорлик бўйича II-Глобал форум”** ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарорининг иловаси билан тасдиқланган “Давлат буюртмачилари томонидан **тўғридан-тўғри шартномалар бўйича** харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)” рўйхатининг 21-бандида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан**, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира фондларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) кўрсатиб ўтилган.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Олий суд 125 минг долларлик “трехсотка” сотиб олгани айтилмоқда” номли мақола юзасидан

“Toyota Land Cruiser 300” автомобили харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва “Oltin Tulpor Trade” МЧЖ ўртасида 05.03.2024 йилда 1 575,0 млн сўмлик 365-сон шартномага асосан Вазирлар Маҳкамасининг **захира фонди маблағлари ҳисобидан** тузилган.

ПҚ-3953-сон (27.09.2018 й.) қарорининг иловаси билан тасдиқланган “Давлат буюртмачилари томонидан **тўғридан-тўғри шартномалар бўйича** харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)” рўйхатининг 23-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан**, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира фондларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни тўғридан-тўғри шартномалар орқали амалга ошириши мумкин.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ""Қизилтепа тумани ҳокимлиги Tracker-2 сотиб олди"" номли мақола юзасидан

Амалга оширилган ишлар ахбороти. "Tracker-2" автомобили харид қилиш учун Қизилтепа туман ҳокимлиги ва "Billur Avto Savdo Navoiy" (расмий диллер) МЧЖ ўртасида 26.03.2024 йилда **220,9 млн сўмлик** 3-261-2024-01445UZ-сон шартнома ПҚ-3953-сон (27.09.2018 й.) қарорга асосан тузилган.

ПҚ-3953-сон (27.09.2018 й.) қарорининг иловаси билан тасдиқланган "Давлат буюртмачилари томонидан **тўғридан-тўғри шартномалар бўйича** харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)" рўйхатининг 21-бандига кўра, **Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари** ва дистрибьюторларидан харид қилинган **янги автотранспорт воситалари**, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри шартномалар орқали амалга ошириши мумкин.

ВМҚ-258-сон (29.04.2021 й.) қарорининг 1-илоvasи билан "Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларини бириктириш меъёрлари" тасдиқланган.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган "Наманган вилояти ИИБ жамоат тартибини сақлаш учун салкам 700 млн сўмга битта "Malibu" ва "Tracker" сотиб олибли" номли мақола юзасидан

"Malibu" ва "Tracker-2" автомобили харид қилиш учун Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ва "Chust-Avtotexxizmat-N (расмий диллер) МЧЖ ўртасида 29.01.2024 йилда **419,0 млн сўмлик** 3-120-2024-00136UZ-сон ("Malibu") ва 29.01.2024 йилда **276,0 млн сўмлик** шартномалар ПҚ-3953-сон (27.09.2018 й.) қарорга асосан тузилган.

ПҚ-3953-сон (27.09.2018 й.) қарорининг иловаси билан тасдиқланган "Давлат буюртмачилари томонидан **тўғридан-тўғри шартномалар бўйича** харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)" рўйхатининг 21-бандига кўра, **Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари** ва дистрибьюторларидан харид қилинган **янги автотранспорт воситалари**, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри шартномалар орқали амалга ошириши мумкин.

5-Масала. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) - 5 та iPhone 14 Pro 128 GB Space Black 69,7 млн сўмга харид қилган (2023 йил июнь, “бажарилиш” босқичида).



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Шубҳали пиар-шартнома ҳақида”номли мақола юзасидан

“Реклама ахборот хизматлари кўрсатиш” учун Туризм қўмитаси ва “Hamedia” МЧЖ ўртасида 31.01.2024 йилда 488,8 млн сўмлик 8/2024-сон шартнома ПҚ-3953-сон (27.09.2018 й.) қарори асосан тузилган.

ПҚ-3953-сон (27.09.2018 й.) қарорининг иловаси билан тасдиқланган “Давлат буюртмачилари томонидан **тўғридан-тўғри шартномалар бўйича** харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)” рўйхатининг 12-бандига кўра, оммавий ахборот воситаларида матбуот анжумани, брифинг, мавзули телекўрсатув ва бошқа тадбирларни ўтказиш, **реклама жойлаштириш**, мақола чоп этишни тўғридан-тўғри шартномалар орқали амалга ошириши мумкин.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани #Ободонлаштириш бошқармаси томонидан «Махсус техникаларни ижарага олиш» юзасидан танловлар эълон қилиниб, бу бўйича 4 та лот жойлаштирилган” мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан “Махсус техникаларни ижарага олиш” юзасидан танловлар эълон қилиниб, бу бўйича 4 та лот жойлаштирилган (рақамлари: 24110012360379, 24110012360896, 24110012360904, 24110012360898).

2024 йил 23 май куни эълон қилинган ғолибни аниқлаш баённомаларига кўра ушбу танловларнинг барчасида аффилиланган шахсларга тегишли икки иштирокчи таклифлар билдириб, энг яхши таклифларни танлаш орқали “Око Aziya Forsaj” МЧЖ ғолиб деб топилган ва жами 930 млн сўмлик шартномаларни қўлга киритган.

Мақолада эълон қилинган давлат харидлари ўрганилганда ушбу давлат харидларининг барчаси (4 та лот) давлат буюртмачиси - Амударё тумани ободонлаштириш бошқармаси **харид комиссияси томонидан** давлат харидларида аффилиланганлик ҳолатлари мавжудлиги сабабли **бекор қилинганлиги** маълум бўлди.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Дунё садолари” фестивали чет эллик 16 та эстрада шоу-бизнеси юлдузларини таклиф қилиш учун давлат бюджетидан (айтишларича, 20 миллион доллар) сарф қилинаётгани кескин танқидларга сабаб бўлган мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатнинг 28-бандида Халқаро ва давлатлараро даражадаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиниши белгиланган.

Мақолада кўрсатиб ўтилган “Дунё садолари” фестивалида қатнашиш учун чет эллик 16 та эстрада шоу-бизнеси юлдузларини таклиф қилиш учун 1 904 500 000 сўмлик Хонобод шаҳар ҳокимлиги ва “ECONOM TRANSFERT” МЧЖ ўртасида 2024 йил 26 июн куни 13-сонли шартнома ПҚ-3953-сон қарор иловасининг 28-бандига асосан тўғридан-тўғри тузилган.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган “Давлат ташкилотларидан қимматбаҳо харидлар давом этмоқда” мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида **электрон дўкон** – давлат харидларининг электрон тизимидаги махсус майдонда савдоларни электрон шаклда амалга оширишни назарда тутувчи, махсус талаблар қўйилмайдиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули эканлиги белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги 258-сон қарори 1-иловасига асосан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларини бириктириш меъёрлари тасдиқланган бўлиб, унда вазирликлар ва давлат қўмиталарининг раҳбари ва ўринбосарларига энг юқори нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 000 (1 500)** баравари ва двигателнинг энг юқори қуввати 4 000 (2 500) см3 бўлган 1 дона хизмат автотранспорт воситаси бириктирилиши белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Маъмурий хўжалик хизмати” ДМ 2024 йил 7 июнда **электрон дўкон орқали** 585 млн сўмга бир дона “BYD HAN”

ва 420 млн сўмга “BYD SONG Plus” электромобиллар харид қилган.



“UzAuto Motors” АЖда ишлаб чиқарилаётган “автомобиллар олд эшиклари учун бутловчи қисмларни харид қилиш бўйича” ўтказилган танловга жами иккита талабгорлар томонидан тижорат таклифлари билдирилган бўлиб, харид комиссиясининг 2024 йил 8 июль кунидаги баённомасига мувофиқ энг яхши таклифни аниқлаш орқали 1,3 млрд сўм нарх таклифи билан “ЕКО TSEM KOMPLEKT OBORUDOVANIE” МЧЖ танлаш ҳолиби, “ЕКО LIT METALL” МЧЖ эса захира ҳолиби деб топилгани, хусусан, захира ҳолиби “ЕКО LIT METALL” МЧЖнинг раҳбари ва ягона таъсисчиси ҳисобланувчи Муталипов Анваржон Абдурахим ўғли — бир вақтлар “ЕКО TSEM KOMPLEKT OBORUDOVANIE” МЧЖнинг 50 фоиз улушига эгалик қилган бўлиши мумкинлиги таъкидланган.

https://t.me/revizor_uzb/132 мақола юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

1-Масала.

“UzAuto Motors” АЖ томонидан 2024 йил 6 майда жами бошланғич нархи 1 554 519 912,0 сўмга автомобиллар олд эшиклари учун бутловчи қисмларни харид қилиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш (<https://etender.uzex.uz/lot/357624>) бўйича эълон жойлаштирилган.

Амалга оширилган ишлар ахбороти.

Ўтказилган ўрганишда ушбу харид жараёнида иштрок этган тадбиркорлик субъектларининг раҳбар ва таъсисчилари яқин қариндош эканлиги, шу боис мазкур жамиятлар аффилиланган шахслар ҳисобланиши маълум бўлган.

Харид комиссияси томонидан юқоридаги давлат харидлари амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг бир қатор талаблари бузилганлиги сабабли харид натижалари бекор қилинган.



Навоий кон металлургия комбинати 5 та CHAZOR CHAMPION 120 KM Flagship русумидаги (<https://xarid.uzex.uz/purchase/direct-purchase/3128604/details>) автомобилни 315 млн 200 минг сўмдан жами 1 млрд 576 млн сўмга;

18 та SONG PLUS DM-I PHEV AWD 100km Flagship Plus (<https://xarid.uzex.uz/purchase/direct-purchase/3128419/details>) русумидаги оқ рангдаги автомобилнинг ҳар бирини 444 млн 525 минг сўмдан жами 8 млрд сўмга;

17 та SONG PLUS DM-I PHEV AWD 100km Flagship Plus русумидаги (<https://xarid.uzex.uz/purchase/direct-purchase/3128072/details>) қора рангдаги автомобилнинг ҳар бирини 444 млн 526 минг сўмдан жами 7 млрд 557 млн сўмга харид қилиш бўйича шартнома имзолаган;

МАЪЛУМОТНОМА

1-Масала.

"Навоий Кон-Металлургия Комбинати " АЖ:

2024 йил 17 июлда 315 млн 200 минг сўмдан жами 1 млрд 576 млн сўмга енгил автомобил (5 та CHAZOR CHAMPION 120 KM Flagship) (<https://xarid.uzex.uz/purchase/direct-purchase/3089829/details>) ;

2024 йил 17 июлда 444 млн 525 минг сўмдан жами 8 млрд сўмга енгил автомобил (18 та SONG PLUS DM-I PHEV AWD 100km Flagship Plus) (<https://xarid.uzex.uz/purchase/direct-purchase/3128419/details>) ;

2024 йил 17 июлда 444 млн 526 минг сўмдан жами 8 млрд сўмга енгил автомобил (17 та SONG PLUS DM-I PHEV AWD 100km Flagship Plus) (<https://xarid.uzex.uz/purchase/direct-purchase/3128072/details>) харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри давлат харидларини амалга оширган.

Амалга оширилган ишлар ахбороти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сон Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг иловасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира фондларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) кўзда тутилган

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.12.2022 йилдаги ПҚ-443-сон қарорининг 1-илоvasига асосан "Навоий Кон-Металлургия



Фарғона вилоят ҳокимининг яширин қарори билан Қувасой шаҳридаги ДМТТда тарбияланувчиларни кейтеринг усулида овқатлантиришни, танлов ёки тендер ўтказмасдан бир корхонага ўтказиб бергани танқид остига олинган, мазкур ҳуқуқни қўлга киритган "GARDEN CATERING TRADE" МЧЖ раҳбари вилоят ҳокими билан фамилиядош эканига эътибор қаратилган.

https://t.me/generalissimus_uzb/14207 <https://t.me/Daryo/107871>

<https://daryo.uz/9Bg44KVj>

мақола юзасидан

МА Ё Л У М О Т Н О М А

Амалга оширилган ишлар ахбороти.

Фарғона вилоят ҳокимининг 2024 йил 25 июлдаги 402-11-0-Q/24-сонли қарорига асосан Қувасой шаҳридаги ДМТТда тарбияланувчиларни кейтеринг усулида овқатлантириш ташкил этиш "GARDEN CATERING TRADE" МЧЖ га берилган.

Бугунги кунда мазкур қарор ижроси юзасидан Қувасой шаҳр мактабгача ва мактаб таълими бўлими ва "Garden Catering Trade" МЧЖ ўртасида шартномалар тузилмаган ва ғазначилиқдан рўйхатдан ўтказилмаган.



Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган "Тошкент шаҳар ИИББ, « Smart-Base» ва « Hikvision» видеокамералари ҳақида"
мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси томонидан 2024 йил 9 июлда жами бошланғич нархи 3 000 000 000,0 сўмга Тошкент шаҳри Миробод туманидаги маҳаллаларда интеллектуал видеокузатув тизимини харид қилиш бўйича тендер савдолари (<https://etender.uzex.uz/lot/374891>) бўйича эълон жойлаштирилган.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси томонидан Тошкент шаҳри Миробод туманидаги маҳаллаларда интеллектуал видеокузатув тизимини хариди учун давлат харидлари электрон тизимига **3 млрд сўм** бошланғич қиймат билан тендер савдосини ўтказиш мақсадида 2024 йилнинг 9 июль куни эълон жойлаштирилган.

Харид комиссиясининг баёнига кўра 2,58 млрд.сўм (*ҚҚС билан 2,89 млрд сўм*) нарх таклифи билан иштирок этган **"Granit Techno Plus" МЧЖ** ғолиб ва 2,66 млрд сўм (*ҚҚС билан 2,98 млрд сўм*) нарх таклифи билан иштирок этган **"Agata Impex Limited" МЧЖ** заҳира ғолиб деб белгиланган.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг харид комиссияси томонидан ушбу харид ижтимоий тармоқларда жиддий муҳокамаларга сабаб бўлганлиги ҳамда иштирокчилар томонидан эътирозлар билдирилганлиги сабабли махсус ахборот портали орқали **374891-сонли лот** рақами билан ўтказилган давлат хариди натижаси бўйича электрон тасдиқланган харид комиссияси **баённомаси қайта кўриб чиқилиб тендер натижалари 2024 йил 12 августдаги баённомага асосан бекор қилинган.**



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги БМТнинг ёрдам пулиданлойиҳанинг самарали топширилишини таъминлаш ҳамда лойиҳа ҳудудларига мунтазам равишда хизмат сафарларини амалга ошириш мақсадида қарийб 600 млн. сўмлик бир дона "KIA Carnival Prestige" автомобилни харид қилгани айtilган. (<https://t.me/antikorrup/29896>) мақола юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

Амалга оширилган ишлар ахбороти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати"нинг 21-банди "Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари ва дистрибьюторларидан харид қилинган янги автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари"га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан "ROODELL" MChJ ўртасида грант маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 593 520 000,00 сўмлик KY01-002398-сонли шартнома (лот рақами: 241100413271567) имзоланган бўлиб, ушбу шартномага асосан 1 (бир) дона махсус KIA Carnival Prestige русумли автотранспорт воситаси харид қилинган.



"Самарқанд туман Ободонлаштириш бошқармаси" (ИНН - 206938285) томонидан "Самарқанд туман Ободонлаштириш бошқармасига Кан, Райхон ва Гултожихуроз гулларини сотиб олиш учун" танлов эълон қилинган. (<https://etender.uzex.uz/lot/388052>).

<https://t.me/dxariduzb/378> мақола юзасидан

МА Ё Л У М О Т Н О М А

Амалга оширилган ишлар ахбороти. Самарқанд туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан кан, райхон ва гултожихуроз гулларини сотиб олиш учун 2024 йил 11-сентябрда (лот рақами - 388052) жойлаштирилган энг яхши таклифларни танлаш натижалари нотўғри баҳоланганлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларида келиб чиққан эътирозлар сабабли харид комиссияси томонидан қайта кўриб чиқиб ушбу давлат хариди бекор қилинган.



Давлат харидлари электрон тизими маълумотларига кўра, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси томонидан 875 млн сўмга бир дона «Li L9 ULTRA» транспорт воситаси харид қилинмоқда. (https://t.me/revizor_uzb/159)
мақола юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси томонидан 2024 йил 12 октябрда нархи 875 000 000,0 сўмга «Li L9 ULTRA» транспорт воситасини харид қилиш бўйича электрон дўконда шартнома тузилган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси томонидан «Li L9 ULTRA» транспорт воситасини харид қилинганлиги бўйича ижтимоий тармоқда жиддий муҳокамаларга сабаб бўлганлиги ҳамда иштирокчилар томонидан эътирозлар билдирилганлиги сабабли махсус ахборот портали орқали **241210083173570** -сонли лот рақами билан ўтказилган давлат хариди, буюртмачи **томонидан бекор қилинган**.



30 сентябрь куни эълон қилинган 275 млн. сўмлик танловда "Milano gold ekspreess" ХК томонидан тақдим этилган ҳужжатлар корхона раҳбари томонидан имзоланмаган ва корхона муҳри билан тасдиқланмаган яъни, танлов мезонлари бўйича сўралган ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса ҳам асоссиз баллар қўйилгани ва бу билан иштирокчини танловнинг кейинги босқичига ўтиши таъминлангани танқид қилинган.

<https://t.me/dxariduzb/421>

МАЪЛУМОТНОМА

Шахрихон туман йуллардан фойдаланиш УК томонидан 2024 йил 30-сентябрда жами бошланғич нархи 275 000 000 000,0 сўмга Автосомасвал ижарага олиш ишлари бўйича энг яхши таклифларни танлаш савдолари (<https://etender.uzex.uz/lot/391166>) бўйича эълон жойлаштирилган.

Харид комиссиясининг баёнига кўра 275,0 млн сўм нарх таклифи билан иштирок этган **ЯТТ "Отахонов"** ғолиб ва 275,0 млн сўм нарх таклифи билан иштирок этган **"MILANO GOLD EKSPREESS"** ХК заҳира ғолиб деб белгиланган.

Шахрихон туман йуллардан фойдаланиш УКнинг харид комиссияси томонидан ушбу харид ижтимоий тармоқларда жиддий муҳокамаларга сабаб бўлганлиги ҳамда иштирокчилар томонидан эътирозлар билдирилганлиги сабабли махсус ахборот портали орқали **391166-сонли лот** рақами билан ўтказилган давлат хариди натижаси бўйича электрон тасдиқланган харид комиссияси **баённомаси қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинган.**

Оммавий ахборот воситаларида давлат харидлари бўйича
эълон қилинган мақолалар юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

1-Масала. Ревизор телеграм канали орқали эълон қилинган «Каттақўрғон туман мактабгача ва халқ таълими» ва «MURODULLO CHORVADOR INVEST» МЧЖ ўртасида 936,2 млн сўмлик йиғилиш баёни давлат харидларининг энг яхши харид таклифларини танлаб олиш усули орқали ўтказилган (лот рақами: 24110012400834). Озиқ-овқат заҳираларини харид қилиниши бўйича ўтказилган ушбу эълон даври 2024-йил 18-ноябрдан 2024-йил 25-ноябргача бўлган давр ҳисобланади.

Амалга оширилган ишлар ахбороти. Ушбу танловнинг баҳоланиши бўйича иштирокчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар текширилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

- “Танлов иштирокчисида эълон предметидаги барча маҳсулотларга кирим ҳужжатларининг мавжудлиги бўйича баҳолаш. 2024-йил 1-январдан 2024-йил 09-ноябр ҳолатига қадар кирим фактура ёки фактураларининг штрих кодли пдф варианты тақдим қилиниши лозим. Агар импорт маҳсулот бўлса кўрсатилган муддатдаги штрих кодли божхона юк декларациясини тақдим қилиниши лозим” талабининг баҳолаш мезонида танлов иштирокчиси ҳужжат тақдим қилмаса 1 балл қўйилади деб ёзилган бўлса-да, харид комиссияси томонидан “QORAKO`L CHORVASI 555” МЧЖ га ҳужжат тақдим этмаса ҳам 5 балл қўйилган.

- “Танлов иштирокчисида эълон предметидаги барча маҳсулотлар бўйича чиқим ҳужжатларининг мавжудлиги бўйича баҳолаш. 2024-йил 1-январдан 2024-йил 09-ноябр ҳолатига қадар чиқим фактура ёки фактураларининг штрих кодли пдф варианты тақдим қилиниши лозим” талабининг баҳолаш мезонида танлов иштирокчиси ҳужжат тақдим қилмаса 1 балл қўйилади деб ёзилган бўлса-да, харид комиссияси томонидан “QORAKO`L CHORVASI 555” МЧЖ га ҳужжат тақдим этмаса ҳам 5 балл қўйилган.

- “Танловда иштирокчиси томонидан охириги икки йил давомида шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш тажрибаси ҳақида маълумот. Буюртмачиларнинг номи, уларнинг жорий маълумотлари ва ишларни амалга ошириш санаси (ой, йил) Бюджет ташкилотлари билан Шартномалари штрих кодли фактура сертификат тақдим этилиши шарт. (пдф форматидаги тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади)” талабининг баҳолаш мезонида танлов иштирокчиси ҳужжат тақдим қилмаса 3 балл қўйилади деб ёзилган бўлса-да, харид комиссияси томонидан “QORAKO`L CHORVASI 555” МЧЖ га ҳужжат тақдим этмаса ҳам 5 балл қўйилган.

- “Танлов иштирокчиси томонидан харид қилиб олинadиган куз киш мавсуми учун жамғариладиган озиқ овқат маҳсулотлари Декабрь Январь Февраль Март Апрель ойлари давомида минус градусли махсус музлаткичларда сақлаш учун мавжудлигини баҳолаш” талабининг баҳолаш мезонида танлов иштирокчиси ҳужжат тақдим қилмаса 3 балл қўйилади деб ёзилган бўлса-да, харид комиссияси томонидан “QORAKO`L CHORVASI 555” МЧЖ га ҳужжат тақдим этмаса ҳам 10 балл қўйилган.

- “Таклиф этилаётган кишлоқ хужжалиги маҳсулотлари туғрисида маълумот ва таъминотчининг захирасида (омборида) мавжудлиги туғрисида маълумотлар ва фото суратлари талаб этилади ҳамда талаб лозимчилиги омиборида шартли кириб чиқарилади” талаби бўйича ҳарид комиссияси



Бекобод шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги ташкилотларга озиқ-овқат маҳсулотлари заҳираси учун бошланғич нархи 283 млн сўмлик танлов ўтказилган.

https://t.me/revizor_uzb/174 мақола юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

Бекобод шаҳар мактаб ва мактабгача таълим бўлими томонидан 2024 йил 19-ноябрда жами бошланғич нархи 282 998 400,0 сўмга озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасини харид қилиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш савдолари (<https://etender.uzex.uz/lot/400868>) бўйича эълон жойлаштирилган.

Харид комиссиясининг баёнига кўра 246,6 млн сўм (ҚҚС билан 276,2 млн сўм) нарх таклифи билан иштирок этган **"Bekobod shahar tomorrow hizmati" MChJ** ғолиб ва 281,7 млн сўм нарх таклифи билан иштирок этган **"Halal-tijarat" MChJ** заҳира ғолиб деб белгиланган.

Жарқўрғон туман Тиббиёт бирлашмасининг харид комиссияси томонидан ушбу харид ижтимоий тармоқларда жиддий муҳокамаларга сабаб бўлганлиги ҳамда иштирокчилар томонидан эътирозлар билдирилганлиги сабабли махсус ахборот портали орқали 400868-сонли лот рақами билан ўтказилган давлат хариди натижаси бўйича электрон тасдиқланган харид комиссияси баённомаси қайта кўриб чиқилиб, буюртмачи томонидан бекор қилинган.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Андижон вилояти бошқармаси 380 млн 500 минг сўмга битта машина харид қилиш бўйича шартнома имзолаган. Очиқ манбаларга кўра, йил охирида қимматбаҳо хизмат автомобилларини сотиб олганлиги тўғрисида келиб чиққан (https://t.me/revizor_uzb/117) мақола юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

Масала.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Андижон вилояти бошқармаси (корпоратив буюртмачи) 2024 йил 16 декабрда 380 млн 500 минг сўмга бир дона “BYD SONG Plus” автомобилни электрон дўкон (<https://xarid.uzex.uz/customer/purchase/direct-purchase/list>) воситасида (ташкilot ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобидан) давлат харидини амалга оширган.

Амалга оширилган ишлар ахбороти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатнинг 21-бандида Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари ва дистрибьюторларидан харид қилинган янги автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиниши белгиланган.

Мақолада кўрсатиб ўтилган “BYD SONG Plus” автотранспорт воситаси юқорида кўрсатилган қарор талаблари асосида тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали харид қилинган.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Андижон вилояти бошқармаси нодавлат-нотижорат ташкilot бўлиб, Андижон вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2024 йил 29 январь куни 420В-сон рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг 2024 йил 13-декабрдаги №151-ич-сон буйруғининг иловасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Андижон вилояти бошқармасига автотранспорт воситаси сотиб олиш учун маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатидаишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармонининг 3-бандида Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари мақоми, тиббий, транспорт ва маиший таъминот шароитлари бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар



Оммавий ахборот воситаларида давлат харидлари бўйича эълон қилинган мақолалар юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

1-Масала. Ревизор телеграм канали орқали эълон қилинган “Йил тугаши арафасида қимматбаҳо хизмат автомобилларини сотиб олган давлат идора ва ташкилотлари” (https://t.me/revizor_uzb/185) номли мақоласи юзасидан.

Амалга оширилган ишлар ахбороти. “Миллий PR-маркази” ДУК томонидан 409.7 млн сўмга бир дона “BYD Song Plus Champion DM-i” русумли транспорт воситаси хариди учун 2024 йил 12 декабрь санасида “ASTANA MOTORS COMPANY” МЧЖ билан шартнома(лот 24200413582829) тузилган.

Мазкур шартнома Туризм қўмитаси буйруғи билан “Миллий PR-маркази” ДУКнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида корхона балансидаги эскирган автотранспорт воситаларини сотилиши ҳисобига, янги автотранспорт воситаларини белгиланган тартибда сотиб олиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни 71-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сон қарорига илова, 21-бандига асосан харид амалга оширилган 13 декабрь-йилдаа Миробод туман ғазначилик хизмати бўлимида рўйхатдан ўтган ва тўлов тўлиқ амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.04.2021 йилдаги 258-сон қарорига 1-Илова талаби (“Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги, шунингдек, мустақил қўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар” - раҳбар учун БҲМ 1500 баравари ва Двигателнинг энг юқори қуввати 2500 мЗ) доирасида амалга оширилган.

Асос: Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни 71-моддаси,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сон қарорига илова, 21-банди.

Очиқ харид: Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, харид.узех.уз махсус ахборот портали.



Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ҳокимлиги 14—24 декабрь кунлари картошка сотиб олиш бўйича бошланғич нархи 189 миллион 750 минг сўм бўлган тендер ўтказган. “Дарё” муҳбири лот маълумотларини кўздан кечириш жараёнида буюртмачи ва ғолиб ўртасида боғлиқлик борлигини аниқлади. <https://daryo.uz/k/2024/12/26/dehqonobod-tuman-hokimligi-tender-otkazdi-unda-hokimlikka-tegishli-bozor-golib-chiqdi>

МАЪЛУМОТНОМА

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ҳокимлиги томонидан 2024 йил 14-декабрда жами бошланғич нархи 189 750 000,0 сўмга захира картошка харид қилиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш савдолари (<https://etender.uzex.uz/lot/406232>) бўйича эълон жойлаштирилган.

Харид комиссиясининг баёнига кўра 186,3 млн сўм нарх таклифи билан иштирок этган “Dehqonobod dehqon (oziq-ovqat) bozori” MChJ ғолиб ва 186,3 млн сўм нарх таклифи билан иштирок этган “Afsona time” ХК захира ғолиб деб белгиланган.

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ҳокимлигининг харид комиссияси томонидан ушбу харид ижтимоий тармоқларда жиддий муҳокамаларга сабаб бўлганлиги ҳамда иштирокчилар томонидан эътирозлар билдирилганлиги сабабли махсус ахборот портали орқали **406232-сонли лот** рақами билан ўтказилган давлат хариди натижаси бўйича электрон тасдиқланган харид комиссияси баённомаси қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинган.